



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 2-noyabr. Dushanba 128 (32.031) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь куни Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жон Керрини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлади ва унинг Ўзбекистонга илк ташрифи ўзаро ҳамкорлик-

ка доир кенг қўламли масалалар ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб, ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсмоқда. АҚШнинг «General Motors» кор-

порациясининг Ўзбекистондаги самарали фаолияти бу соҳадаги муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан биридир. Стратегик шериклик доирасида Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқори технологияли учта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда АҚШнинг дунёга машҳур «Boeing», «Lockheed Martin», «Honeywell» ва бошқа компаниялари самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Учрашувда минтақавий долзарб муаммолар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Афғонистондаги вазият, хавфсизлик масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этиб, Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти икки мамлакат манфаатларига асосланган муносабатларни изчил ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Сарвар ҲУСНОВ олган суратлар.

Янгиликлар,
Бунёдкорликлар,
Хабарлар...

Савдо кўргазмаси

Юнус Ражабий номидаги мусикали драма театрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Хиндистон хунармандлик буюмлари экспортини ривожлантириш кенгаши томонидан миллий ҳинд хунармандчилиги кўргазмаси ташкил этилди. Бу ҳақда Жиззах вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

— Биз бундан аввал Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ана шундай кўргазма ташкил қилиб, ўз маҳсулотларимизни намойиш этдик, — дейди кўргазма ташкилотчиларидан бири, Хиндистоннинг «Great India Welfare Association» компанияси директори Санжив Упадхяй. — Бугун эса жижзахликларга 200 дан ортиқ турдаги заргарлик, уй-рўзгор буюмлари, халқ амалий санъати, косметика ва тўқимачилик маҳсулотларимизни тақдим этаётганимиздан мамнунмиз. Ташрифимиз давомида ўзбекистонлик тадбиркорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятидамиз.

Кўргазма давомида икки мамлакат тадбиркор ва ишбилармонлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, савдосотик алоқаларини йўлга қўйиш бора-сида шартнома ва келишув битимлари имзоланди.

Мактаб учун замонавий спорт зали

Шофиркон туманидаги 17-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 550 нафар ўқувчи учун яна бир қўлайлик яратилди. Билим даргоҳининг замонавий спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди, дея хабар бермоқда Бухоро вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати.

Янгидан қуриб битказилган спорт залига 32 турдаги спорт жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди.

Иншоотнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган маросимда сўз олганлар муҳташам спорт зали давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги намунаси эканини таъкидлашди.

САМАРҚАНДДА «C5+1» УЧРАШУВИ

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 1 ноябрь куни Марказий Осиёнинг беш мамлакат ва Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди.

Учрашувда АҚШ Давлат котиби Жон Керри, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдиллаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожидин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов иштирок этди.

Мажлисида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида фикр алмашилди, халқаро ва минтақавий долзарб масалалар муҳокама этилди.

Учрашув якунида Марказий Осиёнинг беш мамлакат ва АҚШ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди. Тадбир иштирокчилари олти давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида умум манфаатдор масалалар юзасидан мунтазам сиёсий мулоқот ўтказиш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг янги формати — «C5+1»ни ташкил этишни маъқулади.

ЎЗА

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон ХДП гуруҳи ташаббуси билан шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида қишга тайёргарлик ишларининг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасига партиямиз дастурига мувофиқ тарзда, аҳолининг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдамлари янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш, соҳага оид қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди ва уларнинг аксарияти қонунни қабул қилиш жараёнида инобатга олинди.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Фуқаролар мурожаатларини самарали ҳал этишда партия ташкилотлари ва депутатлар олдига турган долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида инсон манфаатлари, уларнинг ҳақ-хуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хусусан, мурожаатлар билан ишлаш ва уларга ечим топиш бўйича қатор амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳудудий кенгашлари қoшидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, жойлардаги 207 ана шундай қабулхоналар орқали жорий йилнинг ўтган даврида 6,5 мингга яқин мурожаат ижобий ҳал этилди.

Партия Сайловолди дастурида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микромолиялаш тизимини самарадорлигини янада ошириш ва ислох қилиш тарафдори экани белгиланган. Бу партия ташкилотлари ва гуруҳлари олдига бир қатор вазифаларни қўяди.

— Фуқаролардан тушган мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, уларни ҳал этиш бора-сида барча чора-тадбирлар қўрилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Партиядан сайланган депутатлар ва аҳолининг ижтимоий

ҳимоясига масъул давлат бошқаруви органлари вакиллари ҳамкорлигида фуқароларга тавсиялар берилиб, қўлаб мурожаатлар ўз жойида ечим топишига эришилаётди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг назорат функцияларини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг аниқ вазифаларини ҳал қилиш бора-сидаги фаолиятига таъсирини оширишда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида партия Сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ этиш хусусида сўз юритилди. Фуқароларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва самарали ҳал этишда партия ҳудудий ташкилотлари олдига вазифалар белгиланди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бандлик дастури ижроси —

ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим кафолати

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб мамлакатларда ҳамон ишсизлик даражасининг кескин ошиб бораётгани, ижтимоий-иқтисодий муаммолар жиддий тус олаётгани кузатилмоқда. Айрим давлатларда бандлик масаласи сиёсий беқарорликка ҳам сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда эса қатор йиллар давомида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури парламент даражасида қабул қилиниб, муваффақият билан ижро этиб келиняпти.

► Давоми 2-бетда.

Бухоро

Сирдарё

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ.

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИГА ОБУНА БЎЛИН!

ОБУНА ИНДЕКСИ — 220

«Ўзбекистон овози» газетаси навбатдаги сонларида:

■ Навоий вилояти партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти таҳлили нимани кўрсатмоқда?

ЎзХДП
МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Хотин-
қизлар
бандлиги

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими ва Бойсун туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этиш масаласига бағишланган амалий тадбир ташкил этилди. Унда ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳақида ҳам фикр билдирилди.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши сектор мудири Нилуфар Шайманова мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг қизиқиш ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун яратилган қулайлик ҳамда имкониятлар ҳақида гапириб берди.

Тадбир давомида меҳнат ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ корхона, ташкилот 100 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. 72 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

Шу куни 20 нафар хотин-қиз ЎзХДП аъзолигига қабул қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Депутат ва
ёшлар»

Жиззахда шу мавзуда
давра суҳбати
ўтказилди

ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, талабалар ҳамда ўқувчилар иштирок этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

— «Ким эдигу ким бўлди?» Бу саволни ҳар биримиз бот-бот такрорлаб турсак, мақсадга мувофиқ бўлади, — деди Жиззах уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи директори, халқ депутatlари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Бахтиёр Ибодов. — Бир пайтлар биз қишда совуқ, ёзда иссиқ бўлган лойсувоқ, пасткам, мослаштирилган мактабларда ўқир эдик. Бугунги таълим муассасаларини қаранг, бири-биридан мустақил, кўрам ва шинам. Уларда илму хунар ўрганаман, деган йиғит-қизга ҳамма шaroит бор. Замонавий спорт иншоотлари фарзандларимиз ихтиёрида. Буларнинг барчаси ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлоднинг вояга етишига хизмат қилади.

Депутатлар қайд этдики, мавжуд шарт-шaroитлардан мақсадли ҳамда унумли фойдаланиб, ютуқларни қўлга киритаётган ёшларимиз кўп. Бироқ бўш вақтини керакسىз ишга сарфлаётган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Демак, биз йиғит-қизларни маънан етук қилиб тарбиялаш ишларига янада жиддий эътибор беришимиз керак.

Давра суҳбатда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутatlари Мўстабар Каримова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим мудири Гулнора Нормуродова ёшларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб беришди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

Халқ депутатлари маҳаллий
Кенгашларида

партия гуруҳлари янада ташаббускор бўлиши лозим

Сайловчилар хоҳиш-иродасини ифода этиш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш депутат зиммасидаги энг асосий вазифа ҳисобланади. Амалда бунга эришиш учун аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларни чуқур ўрганиб бориш, таҳлил этиш, аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг бугунги фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин? Улар депутатлик ваколатидан қай даражада фойдаланяпти?

Аввало, шунинг таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ҳудудлардаги партия гуруҳларимиз фаолиятини янада кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида қатор услубий тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқилган. Қўллаб-қувватлаш форумлари ва ўқув-семинарлар ташкил этилди. Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида электротар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган долзарб масалалар белгилаб берилди.

Натижада маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини таҳлил қилиб, ечимини кутаятган масалаларни ҳал этиш бора-сидаги ташаббуслари кўпайиб бормоқда. Масалан, бугунга қадар партия гуруҳларимиз томонидан 170 га яқин масала ўрганилиб, тегишли доимий комиссияларга тақдим этилган. Доимий комиссияларда ҳозиргача уларнинг 100 га яқини қўриб чиқилди, 50 га яқини эса сессияларда муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, бу борада, айниқса, Сурхондарё, Фарғона ҳамда Тошкент вилоятларидаги депутатларимиз фаоллик кўрсатиб келяпти. Энг муҳими, аҳоли

бандлиги, соғлиқни сақлаш, сервис хизмати йўналишларида учраётган хато ва камчиликлар, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топишмоқда.

Сўнгги йилларда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғоялари асосида қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳаммамизга маълум. Бу билан депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳам кенгайди. Аҳамиятли томони, улар ана шу имкониятлардан фойдаланиб, депутатлик сўрови, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш механизмидан унумли фойдаланмоқда.

Таҳлилларга кўра, шу йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 2500 га яқин депутатлик сўрови юборилган бўлса, уларнинг 90 фоиздан ортиғи ижобий ечим топди. Мисол учун, халқ депутатлари Хонобод туман Кенгашига сайланган Сарвинисахон Эргашева мурожаати асосида 2 нафар касб-хунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди. Фарғона вилоят Кенгаши депутatlари Акрамжон Юлбарсоева Богдод туманида яшовчи болалиқдан ногирон Дилором Жумаева ва Ўлмасхон Париеванинг ногиронлик арачаси олишда ёрдам сўраб қилган мурожаатлари мутасадди таш-

килотлар кўмағида ҳал қилинди.

Албатта, бугунги кун талабига жавоб бериш учун депутатларимиз янада кўпроқ ишлаши, ечимини кутаятган масалаларни мунтазам ўрганиши ва асосли таклифлар тайёрлаб бориши лозим. Лекин ҳамма депутатларни бу борада фаол, деб бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай, Бухоро вилоятининг Олот, Жиззах вилоятининг Зарбдор, Навоий вилоятининг Конимех, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Хоразм вилоятининг Шовот туманлари, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз шу кунгача доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига масала киритмаган.

Биз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Бугун одамлар кечагидан фарқ қилади. Сайловчилар ишимизни, фаолиятимизни кузатиб турибди. Депутатларимизнинг ташаббусларига қараб жамоатчилик партия-миз фаолиятига баҳо беради.

Шу ўринда депутатлар фаолиятини ошириш учун нималарга аҳамият бериш ҳақида фикр юритишимиз муҳимдир. Аввало, партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим, деб ўйлайман. Айтилиб, Жамоатчилик қабулхона-сига мурожаат келиб тушди. Қабулхонадаги масъул вакиллар масалани ҳал қилиш билан чекланмаслигини керак. Уша ҳудуддан сайланган депутатга мурожаат қилиб, биргаликда муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиши, керак бўлса, уни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига олиб чиқиши зарур. Чунки бугун киминдир ўйлантирган масала эртага

Таҳлилларга
кўра, шу йилнинг
ўтган даври мо-
байнида маҳал-
лий давлат ҳоки-
мияти ва бошқа-
руви органларига
2500 га яқин де-
путатлик сўрови
юборилган бўлса,
уларнинг 90
фоиздан ортиғи
ижобий ечим
топди.

бошқа бировни ҳам безовта қилиши мумкин.

Шунингдек, депутатларнинг сайлов округи бўйича ишини тизимли ташкил этишга эришиш ҳам долзарб масаладир. Ҳар бир депутат сайловчилар билан мунтазам учрашиб туриши, бу масалада биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар, ҳудудий партия кенгашлари ташаббускор бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шунини айтиш кераки, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, одамларнинг қайфияти ва фикрини мунтазам ўрганиб бориш депутатлик фаолияти кучайишида долзарб аҳамият касб этади. Ҳаёт ўзгариб, кундан-кунга олдимизга янги талаблар қўймоқда. Шундай муҳим шароитда ишимизга, депутатлик масъулиятига виждонан ёндашиб, талабчанликни ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Акмал ТУРСУНБОВЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши сектор мудири.

САФИМИЗ
КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ФАОЛИЯТИГА ҚИЗИҚИШ,
АЙНИҚСА, ЁШЛАР ОРАСИДА
ТОБОРА ОРТИБ БОРАЯПТИ.
БУНИ ТАҲРИРИЯТИМИЗГА
БўЛАЁТГАН МУРОЖААТЛАР,
КЕЛАЁТГАН ХАТЛАРДАН ҲАМ
БИЛИШ МУМКИН. КўПЧИЛИК
НИМА САБАБДАН АЙНАН
ЎзХДП САФИГА КИРИШГА
ҚАРОР ҚИЛГАНИ Тўғрисида
ЁЗИБ ЮБОРЯПТИ.

«Биз ҳам
ЎзХДПни
танладик»

Дилрабо Усмонкулова,
Янгиобод агроиктисодиёт касб-
хунар коллежи битирувчиси:

— Ўзбекистон ХДП ташаббуси билан касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилаётган қўллаб-қувватлаш тадбирларида иштирок этиб, шу партияга ишончим янада ортди.

Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган меҳнат ярмаркалари, турли форумлар менга кўпроқ маъқул бўлди.

Яқинда халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича мониторинг ишлари олиб борилаётганини эшитдим. Бу битирувчиларни ишга жойлаштиришда юзага келаётган айрим камчиликларнинг бартарф этилиши, корхона-ташкилотлар раҳбарларининг масъулияти кучайишида яхши самара беради, деб ўйлайман.

Баъзан коллеж битирувчиси қаерда, қандай шароитда иш бошлашини билмай қолади. Шу вазиятда унга озгина туртки, йўланма ёки қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари, партия ташкилотларининг корхона ва иш берувчиларнинг касб-хунар коллежларига бириктирилиши ҳамда «коллек — корхона» алоқаларини таъминлаштиришга қаратилган лойиҳалари менда катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабли мазкур партия сафида бўлишнинг ният қилдим.

Замира Қаршиева,
Тайлоқ туман марказий шифохонаси ходими:

— Бевоқифа соҳамга алоқадор бўлгани учун соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда жойларда сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш бора-сида олиб борилаётган ишларга хайрихоҳман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш, юртдошларимизга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифалар анчадан бери эътиборимни тортиб келаётган эди.

Яқинда халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар назорат-таҳлил тартибиде ўрганилаётганининг гувоҳи бўлдим. Кейин билсам, партия гуруҳи ташаббуси билан бу масала халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгаши сессиясида муҳокама этилиб, ижро органларига тегишли таклифлар берилибди.

Тўғриси, Ўзбекистон ХДПнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида илгари сурган ғоялари, бу борадаги амалий ишлари мени партия сафига киришга ундади. Туман партия кенгаши раиси Шохиста Сатторовлага учрашдим. Партиянинг Сайловолди дастури билан тўлиқроқ танишдим, мақсад ҳамда вазифалари маъқул тушди. Ўрним шу партия сафида, деган тўхтамга келиб, аъзо бўлиш учун ариза ёздим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Гулрух ОДАШБОВЕВА ёзиб олди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бандлик дастури ижроси —

ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим кафолати



Фотура АЛИЕВ олган сурат.

Биргина мисол. Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг 9 ойи давомида 748 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди. Шундан санаотда 60 минг, хизмат кўрсатиш ва сервисда 52 минг, қишлоқ хўжалигида 35 минг иш ўрни очилди. Бу кўрсаткич ва рақамлар ортида қанчадан-қанча оилалар фаровонлиги, ёшлар бандлиги, минг-минглаб юртдошларимизнинг ҳаётига, келажакка ишончи тургани ҳақида ўйласак, масаланинг нақадар долзарб экани аён бўлади.

Давом. Бошланғич 1-бетда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этган матбуот анжуманида иш ўринлари яратиш ва бандлигини таъминлаш борасида жорий йил 9 ойда олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари таҳлил этилиб, Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳақида фикр юритилди.

Вазирликнинг бандлиги таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Азиев узоқни кўзлаб

амалга оширилаётган ислохотлар, инкирозга қарши кўрилган чора-тадбирлар натижасида юрти-мизда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминлаб келинаётганини қайд этди. Инвестиция, Маҳаллийлаштириш ва бошқа қатор мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши иш ўринлари кўпайишига ҳамда ёшларимиз бандлиги таъминланишига мустаҳкам замин яратмоқда. Ҳисобот даврида кичик корхона ва микрофирмалар, яқна тадбиркорлик, уй меҳнати, деҳқон ва фермер хўжалиқларида 585 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминлан-

ди. Бу яратилган иш ўринларининг 78 фоизига тенгдир.

Шунингдек, Дастур доирасида меҳнат бозорига банд бўлмаган аҳолига бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш орқали хизматлар кўрсатилгани алоҳида қайд этилди. Йилнинг ўтган даврида 900 дан ортиқ шундай ярмарка ўтказилди. Уларда 44 минг корхона ва ташкилот иштирок этди ва 50 минг нафар кишига ишга жойлаштириш учун тўғридан-тўғри йўланма берилди.

Бозор иқтисодиёти жараёнида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда иш ўринлари ташкил этиш, аҳолига барқарор даромад манбаини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Вазирликнинг аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш чора-тадбирлари мониторингини ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Баҳодир Шарапов шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёлғиз кекса, пенсияонер ва жисмоний имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Таъкидландики, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 9 ойда 9800 нафардан зиёд кек-

са санаторийларда соғломлаштирилди. Ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан 613 минг оилага ижтимоий нафақалар таъинланди.

Сўзга чиққанлар, шунингдек, иш ўринлари ташкил этиш масаласи Инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма ва бошқа йўналишдаги дастурлар билан ҳамбарчас

боғлиқ эканини таъкидлаб ўтишди. Шунинг учун ушбу Дастур фуқаролар бандлигини ошириш билан бир қаторда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва соҳалар ривожига янада кенг йўл очиши қайд этилди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида меҳнат билан вақтинча банд бўлмаган аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислигига кўра ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК Тўғрисидаги КОДЕКСИГА ўЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ Кўриб чиқилмоқда.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎзХДПнинг 35 мингдан ортиқ аъзоси 845 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Кўйи бўғинлар жойларда партия дастурий мақсадлари, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

Мазкур мамлакатда сиёсий партиялар ўртасида кураш жуда кескин кечади. Ҳатто сайловларда ҳар учинчи сайловчи овоз бермаган партия ҳам ғолиб бўлиши мумкин.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 2-noyabr. Dushanba

128 (32.031)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ЯНГИЛИКЛАР

Бухоро темирйўл линияси электр - лаштириляпти

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Мароканд — Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

— Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 588,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилади, — дейди компаниянинг саноат фаолиятини ташкил қилиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбасари Қодиржон Рихсиев. — Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида эксплуатация харажатлари кискариб, йўловчи ва юк ташиш ҳажми ошади.

Кремний карбидига ишлов бериш усули яратилди

Ўзбекистон Фанлар академияси Содиқ Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтини олимлари томонидан кремний карбидига ишлов бериш усули ихтиро қилинди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиғи расмий сайти хабар бермоқда.

Ушбу усул ярим ўтказгичли материалларга кимёвий ишлов бериш, кремний карбиди монокристаллари асосидаги прибор структураларини ва унинг монокристалл плёнкаларини тайёрлашда фойдаланишга мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси — Илхом Отабоев, Бахтиёр Отабоев, Саъдулла Лутфуллаев, Ҳимматалли Жўраев ва америкалик олим Чин-Че Тинга мазкур усул учун патент берилди.

Автомобиллар учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш кўргазма-конференцияси ўтказилмоқда

Жорий йилнинг 27 октябидан 2 ноябргача «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида «Ўзавтосаноат» АК автомобиллари учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш» ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ўтказилди. Бу ҳақда «Ўзавтосаноат» АК матбуот хизмати хабар бермоқда.

Кўргазма иштирокчилари эътиборига автомобиллар учун мўлжалланган кенг турдаги бутловчи қисмларни намойиш этиш кўзда тутилган. Ушбу конференцияда «GM Uzbekistan» АК, «SamAvto» МЧЖ, «MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшма корхонаси, «General Motors Powertrain Uzbekistan» АК ва автомобиллар ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи бошқа илмий компаниялар фаолияти билан аяқдан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятини беради.

Наврўз ҒУЛОМОВ тайёрлади.

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Швейцария: Парламент сайловида

Халқ партияси энг кўп овоз олиб, ғолиб чиқди.

Социал-демократлар иккинчи, либераллар учинчи бўлди.

Жорий йил 18 октябрь куни швейцарияликлар мамлакат парламентига янги аъзоларни сайлади. Сיעсатшунос ва сайловчиларнинг фикрича, мазкур сайлов натижалари мамлакатда ўзига хос ўзгаришлар, бурилишлар ясаши кутилмоқда. Бугунги кунда Швейцария Европанинг демократик жиҳатдан энг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Епропанинг марказида жойлашган ушбу мамлакат дунё иқтисодиёти ва банк тизимида муҳим ўрин тутди.

Бу галги сайлов замонавий Швейцария тарихидаги 50-парламент сайлови бўлди. Мамлакатда дастлабки парламент сайлови 1848 йилда ўтказилган.

Швейцария парламентининг юқори палатаси — Миллий кенгаш 200 депутатлик ўрнидан иборат. Унга яқин сиёсий партия юқори палатадан кўпроқ ўрин олиш учун курашади.

Мамлакатдаги сайлов тизими ўзига хос. Мисол учун, Миллий кенгашга сайлов 1919 йилдан бошлаб пропорционал тизимда ўтказилади. Лекин қуйи палата — Катонлар кенгашида эса мажоритар сайлов тизими амал қилади.

Сайлов бир вақтнинг ўзида бутун мамлакат бўйлаб ташкил қилинган сайлов участкаларида ўтказилади.

Бевосита сайловдаги жараёнларига тўхталадиган бўлсак, сайловдан олдин ўтказилган сўрономаларда Швейцария Халқ партиясининг ғолиб бўлиши тахмин қилинган.

Сайловларни онлайн тартибда ёритувчи «Tribune de Geneve» газетасининг прогнозларига кўра, партия парламентдан 2011 йилдаги

нисбатан 10 ўрин кўпроқ олиши кутилган.

Шундоқ ҳам парламентда 54 депутатлик ўрни билан етакчилик қилиб келаётган Халқ партияси Аргау, Санкт-Галлен ва Фрибур катонларида, яъни, минтақавий кенгашларда қўшимча ўринларни ютиб олиши кундай равшан бўлиб турган.

Айтиш керакки, сайловдан олдин қилинган барча тахминлар ўзини тўлиқ оқлади. Швейцария Халқ партияси юқори палатада 65 депутатлик ўринини эгаллади. Бу ўтган сайловга қараганда 11 ўринга кўпроқдир. Ушбу сиёсий куч жами сайловчиларнинг 29,4 фоиз овозини қўлга киритди. Шунингдек, Швейцариядаги кичик партиялар ҳам парламентдан ўрин олди. Хусусан, Бюгер-демократик партияси 8 депутат билан фракция тўзса, «Яшил либераллар» партияси атиги 7 депутатлик мандатига эга бўлди. Вахоланки, мазкур сиёсий партия 2011 йилдаги



Учинчи натижани либераллар қайд этди. Улар сайловчиларнинг 16,4 фоиз овозини олиб, юқори палатада 33 депутатлик мандатига эга бўлди. Сўл марказчилар ҳисобланган Христиан-демократик халқ партияси Миллий кенгашдаги битта ўринини йўқотиб, 28 депутатлик ўрни билан кифояланди. Сайловчиларнинг 12,1 фоизи айнан ушбу партия учун овоз берди.

Сайловда катта йўқотишга учраган сиёсий куч — бу «Яшиллар» партияси ҳисобланади. Сайлов натижасига кўра, мазкур партия Миллий кенгашдаги 5 ўрнидан маҳрум бўлди. Сайловчиларнинг 6,9 фоизи овоз бергани сабабли юқори палатада 10 ўринини эгаллади.

Шунингдек, Швейцариядаги кичик партиялар ҳам парламентдан ўрин олди. Хусусан, Бюгер-демократик партияси 8 депутат билан фракция тўзса, «Яшил либераллар» партияси атиги 7 депутатлик мандатига эга бўлди. Вахоланки, мазкур сиёсий партия 2011 йилдаги

сайловда яхши натижага эришиб, юқори палатада 12 ўринга эга бўлган.

Умуман олганда, мазкур мамлакатда сиёсий партиялар ўртасида кураш жуда кескин кечади. Ҳаттоки, сайловларда ҳар учинчи сайловчи овоз бермаган партия ҳам ғолиб бўлиши мумкин. Бундай ўзига хос жиҳат бошқа мамлакатларда учрамайди.

Швейцария ахборот агентлиги — SDAнинг маълумот беришича, парламент аъзоларининг ўртача ёши 50,3 ёшни ташкил қилади. Шунингдек, ушбу мамлакат парламентида хотин-қиз депутатлар сони ҳам кўпайган. Янги шаклланган парламент аъзоларининг 64 нафари аёллардир. Бу умумий депутатларнинг 32 фоизини ташкил қилади. Депутатликка энг кўп хотин-қиз Социал-демократик партиядан сайланган — 25 нафар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Швейцарияда 1971 йилдан бошлаб хотин-қизларга парламент сайловида иштирок этиш, сайлаш ва

сайланиш ҳуқуқи берилган. Жорий парламент сайловидаги кўрсаткич энг юқориси ҳисобланади.

Сיעсатшунослар сайловларда Швейцария Халқ партияси ғалабасининг бош омили сифатида Европадаги миграцион инқирозни кўрсатмоқда. Яъни мазкур сиёсий партия эмиграция жараёнини чеклаш ғоясини илгари сурди.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугун дунёда, хусусан, Европа Иттифоқида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар бевосита Швейцариядаги сиёсий партиялар сайловлида дастурларида ўз аксини топмоқда.

Демак, ҳар қандай мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий чигаллик ва муаммоларни ҳал этишда, ҳам ички, ҳам ташқи сיעсатда энг тўғри йўлни танақлаш, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқаришда сиёсий партиялар ҳал қилувчи ўрин тутуши лозим.

Нурали ОРИПОВ

Дунё

Автомобилсиз бир кун

Ўтган ҳафтанинг пайшанбаси Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехлида автомобилсиз кун сифатида тарихда қолди.

Ҳафт шундаки, шу кунги шаҳар бўйлаб хусусий автомобиллар ҳаракати йўл қўйилмади, ҳатто шаҳар раҳбарияти ҳам экологик тоза транспорт тури бўлиши велосипедда юрди.

«The South China Morning Post» нашри хабар беришича, кунига пойтахт кўчаларида умумий ҳисобда 8,5 миллиондан ортиқ автомобиль ҳаракатлангани сабабли шаҳар ҳавоси ифлосланиб бормоқда. Шу боис шаҳар маъмурияти бу борада зарур чоралар кўришга мажбур бўлмоқда.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, Нью-Дехли ҳавоси энг кўп ифлосланган шаҳардир (ҳавосида диаметр 2,5 микрометрча бўлган жуда майда чанг зарралари концентрацияси юқори даражага етган). Автомобиль тутунидан чиқувчи мазкур зарралар инсон саломатлиғи учун ўта хавфли бўлиб, у нафас йўлларида бирор-бир тўсиққа учрамай, тўғри ўпакача бориши ва қонга сўрилиши тиббиётда исботланган.


Яқинда мамлакат олий суди Дехли орқали мамлакатнинг бошқа штатларига ўтувчи ва асосан дизел ёнилғиси билан ҳаракатланувчи автомобилларга алоҳида солиқ тартибини жорий этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини маъқуллади.

Энцелада фавворалари

сири очилса ажаб эмас

«Кассини» фазовий аппарати бир неча йилдирки, Сатурн ва унинг йўлдошларини ўрганмоқда, уларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш учун кенг қўламли суратга олиш ишларини бажармоқда.

АҚШнинг Аэронавтика ва космостекника тартибдорлиги тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA сайтидан олинган манбага асосланиб «Новости» ахборот агентлиги хабар беришича, мазкур фазовий аппарат



парат Сатурннинг Энцелада йўлдошидаги доимий отилиб турувчи фавворалар сирини ўрганиш учун йўлдош сатҳига энг яқин масофадан, яъни 49 километр юқоридан ўчиб ўтди.

Олимлар айнан шу парвоз Энцеладанинг гидротермал фаоллигини сирини очиб йўлида самарали қадам бўлишига умид билдиришмоқда.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Кредит, ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари

Республикамиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда, шу жумладан, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда молиявий муассасалар қатори «Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик тижорат банкининг ҳам ҳиссаси ортаёпти.



Хизматлар лицензияланган.

Молия муассасаси ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш билан бир қаторда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уларга кредитлар ажратилишига устувор аҳамият бермоқда. «Invest Finance Bank» республикамиз минтақаларида филиал тизимини кенгайтириш орқали маҳаллий кичик бизнес субъектларига ва аҳолига кенг турдаги молиявий хизматлар сифатини оширмоқда. Мижозлар бундан мамнун бўлмоқда.

Ҳайитилло НАСРИДДИНОВ, яқка тартибдаги тадбиркор (Андижон вилояти):

— Пахтабод туманидаги қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш коллежини тугатиб, дурадгорлик касбинини эгалладим. Соҳам бўйича фаолиятимни йўлга қўйиш мақсадида «Invest Finance Bank»нинг Андижон вилоят филиалига бизнес-лойиҳам билан мурожаат қилдим ва 19 миллион сўм кредит олдим. Молиявий кўмак натижасида ўз ишимни бошлашга, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишга эришдим.

Фуркат ТИЛЛАЕВ, «Фуркат техсервис» МЧЖ директори (Бухоро вилояти):

— Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни кенгайтириш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий «ISUZU» русумли автобусларни олишимизда «InFinBank» Бухоро вилоят филиали ажратган кредит жуда қўл келди. Жорий йил февралда бир ярим йил муддатга берилган 1115 миллион сўмлик имтиёзли лизинг ҳисобидан 20 кишини иш билан таъминладим. Аҳолининг узоғини яқин қилиб, намунали хизмат кўрсатётганимиздан мамнунимиз.

Моҳира ҚУЧҚОРОВА, «Yosh dasturchi» МЧЖ раҳбари (Тошкент вилояти):

— Касб-хунар коллежини тамомлаб, туманимиз ҳудудида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ва иш ўринлари яратиш мақсадида «InFinBank» Зангиота филиалидан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Молиявий кўмак ҳисобига аҳоли ва ташкилотларга компьютер хизматларини йўлга қўйдим. 3 нафар тенгдошимни ўз ёнимга олдим.

Рустам ОМОНОВ, «Buvayda Ibrat Mebel» хусусий корхонаси раҳбари (Фарғона вилояти):

— Жорий йил май ойида «InFinBank» Қўқон филиали томонидан ажратилган 30 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига мебель ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга эришдик. Ҳозир корхонамизда 20 дан ортиқ турдаги мебеллар ишлаб чиқарилиб, аҳоли ва ташкилотларга етказилмоқ-

Infin BANK

да. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аниққас, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар фаолиятимизда муҳим ўрин тутмоқда. Банкдан яна кредит олиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Ботир ЖАЛОЛОВ, яқка тартибдаги тадбиркор (Тошкент шаҳри):

— Хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Ўзимдан қиёс: миллий услубдаги мебеллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида «InFinBank»нинг Сергели филиалидан 32 миллион сўм кредит олдим. Бунинг ҳисобига йилига ўртача 290 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

Шоҳрух МУҲАММЕДОВ, «Асл-парранда» МЧЖ раҳбари (Хоразм вилояти):

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ортмоқда, рўзгорларимизга кўт-барак кирмоқда. Биз ҳам паррандачиликни ривожлантириш мақсадида «InFinBank» Хоразм вилоят филиалидан 250 миллион сўм кредит олдим. Сармоя ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш баробарида янги иш ўринлари ҳам яратдик. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришда банкнинг кўмағига таянамиз.

Банк материаллари асосида «Ўзбекистон овози» муҳбири Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.

■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ЮК ТАШИШ ҲАЖМИ 4,3 ФОИЗ, ЖУМЛАДАН, ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ 2,6, АВТОМОБИЛДА 4,8, ҲАВО ТРАНСПОРТИ ЁРДАМИДА ТАШИЛАЁТГАН ЮК ҲАЖМИ ЭСА 1,5 ФОИЗ КЎПАЙДИ.



■ «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 7,7 МИНГ НАФАР УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАҲРИЙСИ, ШУНИНГДЕК, ЁЛҒИЗ ВА ИЖТимоий КЎМАККА МУҲТОЖ КЕКСАЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНДИ, КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА 2,6 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНДИ.

ЯНГИЛИКЛАР

Табиий газ ҳақини SLICK орқали тўлаш мумкин

SLICK мобил ва интернет-банкнинг тизими табиий газ ҳақини тўлаш хизматини жорий қилди. Бу ҳақда slick.uz сайти хабар бермоқда.

Эндиликда газ ҳақини тўлаш учун ортқича вақт йўқотилмайди. Тўловнинг амалга оширилгани автоматик тарзда қайд этилади.

«Ўзтрансгаз» компанияси билан тузилган битимга кўра, барча тўловлар бир зумда маълумотлар базасида акс этади. Янги хизмат туридан Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудиди фойдаланса бўлади. Айрим туман ва шаҳарлар эса тез орада ушбу хизматга уланади.

Газ ҳақини тўлаш учун виллоят коди ва шахсий ҳисоб рақамини билиш киёф. Виллоятлар кодлари SLICK сайтидан олиш мумкин.

Эслатиб ўтамай, бугун SLICK тизими ёрдамида чўқиндиларни олиб кетиш хизмати (Тошкент) ва совуқ сув таъминоти учун пул тўлаш ҳам йўлга қўйилган. Компаниянинг билдиришича, бугунги кунда бошқа коммунал тўловларни қабул қилиш устида ҳам иш олиб беришмоқда.

Театр форуми ўтказилади

Ўзбекистон ва Британия маданий алоқаларини янги поғонага кўтариш мақсадида «Глобус» театри жамоаси иштирокида 5-6 ноябрь кунлари «Театр санъати масалалари» мавзусида театр форуми ўтказилади. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги расмий сайти хабар тарқатган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмаси ҳамкорлигида 4-6 ноябрь кунлари Буюк Британиянинг Уильям Шекспир номидаги «Глобус» театри жамоасининг Ўзбекистонга ижодий ташрифи ташкил этилмоқда.

4 ноябрь кунлари соат 14.00 да ҳамда 19.00 да Ўзбек Миллий академик драма театрида «Глобус» театри жамоаси томонидан «Гамлет» спектакли намойиш этилади. Шунингдек, 5-6 ноябрь кунлари Ўзбек Миллий академик драма театрида «Театр санъати масалалари» мавзусида театр форуми ўтказилади. Унда Буюк Британиянинг маданият соҳаси етук мутахассислари иштирок этади.

Инновацион суғурта маркази иш бошлади

«Кафолат» суғурта компанияси акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Тошкент молия институтини Инновацион суғурта маркази ташкил этилди.

Маъмур марказ аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда ёшларда суғурта маданиятини шакллантириш, шунингдек, замонавий суғурта бозори учун профессионал кадрлар тайёрлаш, уларнинг суғурта соҳасидаги билимларини янада оширишга хизмат қилади.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ тайёрлади.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари

«Жиззах МИЗ:»

Яна бир корхона иш бошлади

52 нафар жиззахлик ёш иш билан таъминланди

Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги фармонида кўзда тутилган имконият, имтиёз ва қулайликлар кўпгина хорижлик ҳамкорлар ҳамда инвесторларни эътиборсиз қолдирмапти. Ўзaro аҳдлашувлар асосида янги, замонавий корхоналар, инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Бунинг натижасида юзлаб янги иш ўринлари яратилапти. Одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортмоқда.

Яқинда бу ерда «JUITA GULSHANA INVEST» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Айни пайтда у ўзининг дастлабки махсуслотларини буюртмачиларга етказиб берапти. Корхонанинг лойиҳа қиймати 3 миллион АҚШ долларидан ошди бўлиб, замонавий япон технологияси асосида саноатлашган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бир неча турдаги тикув машиналари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйганимиз, — дейди корхона раҳбари Равшан Бобоев. — Жорий йилда енгил саноат тизими учун 10 минг донга тикув дастгоҳлари етказиб бериш кўзда тутилган. Тўла қувват билан ишлаб бошлаганимиздан сўнг йилга 15 минг донга тикув маши-

наси ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Махсуслотларимизнинг учдан бир қисmini хорижга экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

Корхонанинг ишга туширилиши туфайли 52 янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисмида қисқа муддатли қайта тайёргарликдан ўтган касб-хунар коллежлари битирувчилари ишлашапти.

Тез орада корхона негизидида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини очиб кўзда тутилган. Булар — дастгоҳларнинг чўян корпусларини тайёрлаш, ип ўраш, ярим сунъий иплар, кийимлар учун безак тошлар, молниялар (молния-замок), кийим-кечакларни ўрочи материаллар қабилардир. Ушбу лойиҳалар амалга ошганидан сўнг маз-



ЎЗА олган сурат.

кур корхонада яна 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Шундай қилиб, жорий йилда МИЗ ҳудудидида учта замонавий ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Булар барча турдаги автотранспорт воситалари учун тормоз колод-

калари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Auto Rad System», металл ва гипсокартон жиҳозлари тайёрлайдиган «Master Screw Systems», турли ҳажмдаги полипропилен трубапар ишлаб чиқарадиган «Master Bilding Products»

қўшма корхоналаридир. Уларнинг ҳар қайсисида бугун 70-90 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси меҳнат қилмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» масъулияти чекланган жамияти

2015 йил 1, 3, 8 ва 10 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдога таклиф этади

Савдога Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Амир Темур шох кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйлади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	«ZARBOD MILLER» МЧК	Жиззах виллояти, Зарбод тумани, Лалмикор фуқаролар йиғини	Қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, ҳўмладан, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш	462 517 827,0	185 735,21

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо қўйилиш улуш сотиш баҳосининг 15 фоиз микдоридан кам бўлмаган маблагни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисmini олди-соти шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 3 (уч) йилдан ошмаслиги лозим. Савдо объекти, ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблаглар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўланганга қадар объектни ўзига бериш ва ўқини шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳўқуқисиз (сотувчи — «Ўзбекистон» бундан мустасно) тўланади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча ҳаракатлар (шу жўмладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ ҳаракатлар), савдо ташкилотисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлари ҳамда юзга келадиган бошқа ҳаракатлар харидор маблаглари ҳўсбидан амалга оширилади.

Савдода иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳўжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шакллар учун — давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жўсоний шакллар учун — паспорт (истикрмат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳўжжати нусхаси;
- икки нусхадagi ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор тақдирлари:

- сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳўжатларнинг барча ва- рақалари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улуш бошланғич баҳосининг 15 (ён беш) фоиз микдоридagi закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧКнинг АТБ «Ипотека-Банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТПР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳўжатларини ҳамда буюртманомаини қабул қилиш, расмий иш кўнларидида мазкур эълон чиққан кўндан бошланади ва савдо ўтказиш бошлан- гишдан қайида у соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улуш сотилаётган корхона билан яқиндан унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдога тақдим этилган тақлифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кўнлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилида бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-А уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотисига: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-А уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAL.MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧК томонидан 2015 йил 27 октябрь кўни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг «TOSHKENT OQO'ZI» МЧК устав фондидаги 100 фоиз улуши — 29 198 000 000 сўмга ҳамда «ASIA PIPEPLAST» МЧК устав фондидаги 100 фоиз улуши — 45 635 560 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 28 октябрдаги 08/1305-сон хатига асосан д/р 01/129EBA бўлган «Дуо супер салон» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдо- ларидан олинганлигини маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас

Самарқанд виллоят болалар кўп тармоқлики табиёт марказида виллоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва «SOS» болалар маҳалласи тарбияланувчилари чуқурлаштирилган табиий қўриқдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчиликл болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ташаббуси билан ташкил этилган қўриқда тўрт юздан ортиқ боланинг саломатлиги, жисмоний ривожланиши юқори мадакали шифокорлар томонидан ўрганилиб, зарур тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўлғайишига алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди виллоят болалар кўп тармоқлики табиёт маркази бўлим мудири Шўхрат Улашов. — Кейинги икки йилда муассасамиз реконструкция қилиниб, энг сўнгги русумдаги табиий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлан-

гани ҳам ана шу эътибор самарасидир. Икки кўнлик табиий қўриқ давомидида марказимизнинг юқори мадакали педиатр, хирург, лор, эндокринолог, невропатолог ва бошқа мутахассислари болаларни қўриқдан ўтказди. Касаллиги аниқланган болаларнинг марказда даволаниши, мадакали шифокорлар назоратида бўлиши таъминланди.

Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олаётган 118 нафар ўғил-қиз ҳам чуқурлаштирилган табиий қўриқдан ўтказилди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, олти нафар тарбияланувчида баъзи хасталиклар аниқланиб, улар мазкур табиёт марказида даволанадиган бўлди.

Ҳ.ХАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHANGAN

ТИЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТНАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш. Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мулжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93, (+998 91) 162-99-99, (+998 95) 177-01-17, (+998 71) 140-41-21, (+998 95) 199-82-92, (+998 91) 191-19-49, (+998 90) 932-33-38

www.sardor-avto.uz

Махсуслотлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядор-лик жамиятининг 2015 йил 9 ойлик якунлари ва истиқ-болдаги режаларига бағишланган мат-буот анжумани бўлиб ўтди.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

белгилаб олинди

Унда таъкидланишича, 2015 йилда ишлаб чиқаришни модерни-зация қилиш, техник ва техноло-гик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амал-га оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жўмладан, жамият иқтисодий барқарорлигини таъ-минловчи кўрсаткичларнинг яхши-ланишини таъминлашга, «Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясида қўрилиш ишларини жадаллаштиришга, «Мароканд — Қарши» йўналишида электрлашти-риш ишлари тўлиқ бажарилиб, «Afrosiyob» замонавий поезди ҳаракатини йўлга қўйишга эришил-ди. Шу билан бирга, «Қарши — Термиз», «Самарқанд — Бўхоро» йўналишларида электрлаштириш ишларини амалга оширишга, тар-моқ ишчи-хизматчиларининг даро-мадларини ва турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича қилинаёт-ган ишлар ҳақида ҳам батафсил ахборот берилди.

Темир йўл станцияларидан 2015 йил бошидан бўён 50,3 миллион тонна юк ортилиб, ўз манзилига ет-казилган. Жорий йилнинг ўтган дав-ри мобайнида 15,6 миллион йўлов-чига хизмат кўрсатилган.

Хисобот даврида 262 миллион АҚШ доллари микдорида экспорт хизматлари кўрсатилди.

Бугунги кунда тармоқ миқёси-да умумий ишчилар сони 70 минг нафардан зиёд кишини ташкил эт-моқда. Акциядорлик жамияти ти-зимидида хисобот даврида 334 янги иш ўрни очилган.

Маълумотларга кўра, жорий йил ўтган даври мобайнида Инвести-ция дастурига мувофиқ 609,2 мил-лион АҚШ доллари микдоридаги капитал маблаглар ўзлаштирилган. Ушбу маблаглар акциядорлик жа-миятининг муҳим стратегик аҳами-ятга эга лойиҳаларини молиялаш-тиришга йўналтирилган.

Мирбаҳтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	2-3.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм виллояти	
-8 / -10	0 / +2
Бўхоро ва Навоий виллоятлари	
-6 / -8	0 / +2
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё виллоятлари	
0 / -2	+5 / +7
Қашқадарё, Сурхондарё виллоятлари	
-1 / -3	+6 / +8
Андижон, Наманган, Фарғона виллоятлари	
+2 / +4	+5 / +7
Тошкент шаҳри	
0 / -2	+5 / +7

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши халқ депутатлари Избоскан туман Кен-гаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нуритдин СУЛЎМОНОВнинг вафоти мўносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 5 ноябрь, пайшанба кўни чиқади.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek, MUSTAFOYEV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159 10330 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 17.40 Topshirilgan vaqti — 21.25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

